# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 11 (9.203) 1999 йил 29 январь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Республикамизда фуқаро авиациясини ривожлантириш ва замонавий авиация техникасини ўзлаштиришдаги хизматлари, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**«Дўстлик» ордени билан**

**Журавлев Николай Иванович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг 243-заводи техник хизмат кўрсатиш маркази бош менежери

**«Шухрат» медали билан**

**Михайлов Валерий Юрьевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг А-310/БОИНГ цехи техниги

**Расулов Мўмин Заирович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг учиш мажмуаси «БОИНГ» учиш гуруҳи сардори

**Рахманкулов Артур Марсельевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг учиш мажмуаси RJ-85 авиагуруҳининг учувчи-йўриқчиси

**Сайдазимов Зархўжа Муратович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг учиш мажмуаси раҳбарининг I-муовини вазифасини бажарувчиси

**Салиев Мирзаҳид Зиятович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг А-310/БОИНГ цехи режалаштириш ва назорат бўлими бошлиғи

**Салимов Сергей Мартиевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг А-310/БОИНГ цехи бошлиғининг ўринбосари

**ва қуйидагиларга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвони берилсин:**

**Кузьминский Алексей Станиславович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг учиш мажмуаси «БОИНГ» учиш гуруҳи учувчи-йўриқчиси

**Ғуломов Эркин Зайнутдинович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг учувчилар мажмуаси раҳбари

**ҳамда қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотлансин:**

**Абдушахманов Рашид Равильевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг РУ-85 сонли цехи техниги

**Кадермеев Фозил Имамутдинович** - «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг ҳаво алоқалари бош агентлиги директори

**Путиев Ярослав Юрьевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг РУ-85 сонли цех бошлиғининг ўринбосари

**Ҳамидов Алишер Йўлдошевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининнг 243-заводи учиш-синов бўлинмасининг техниги

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 27 январь.

## «ҚЎНҒИРОҚЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ»

Азиз муштарийлар! «Оқшом» таҳририятида анъанага айланаётган телефон орқали мулоқот яна давом этади. 1 февраль — душанба куни соат 15 дан то соат 17 гача 132-11-39 рақамли телефон орқали мурожаат қилсангиз газета ходими Шарифа Илёсова навбатчиликда бўлади.

Қўнғироқларингизни кутамиз!

## ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ




# УНУТИЛМАС КУН

**КЕЧА**

***Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил этилганлигининг етти йиллиги нишонланди.***

Ана шу босиб ўтилган йўлга назар ташласангиз республикамизнинг шу қисқа муддат ичида Жанубий Шарқий Осиё ва МДҲдаги йирик авиация давлатига айланганининг гувоҳи бўласиз.

Дарҳақиқат, кеча мамлакатимиз самогирлари учун қутлуғ кун бўлди. Миллий авиакомпанияда тантанали йиғилиш бўлди ва Миллий авиакомпаниянинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳига Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди. Ана шулар орасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси учувчилар мажмуасининг раҳбари Эркин Ғуломов ҳам бор эди. Президентимиз Фармонига кўра унга тантанали йиғилишда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвони нишони топширилди.

Ҳа, бизнинг озод юртимизда фидойи меҳнат қилган ҳар қандай одам қадр топади ва эъзозланади. Буни Ватанимизнинг юксак мукофотларига ва унвонларига сазовор бўлаётган кўплаб юртдошларимиз мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Эркин Ғуломов ҳам мамлакатимизда фуқаро авиациясини ривожлантириш, замонавий авиация техникасини ўзлаштиришдаги хизматлари, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштироги учун ана шундай унвонга муяссар бўлди.

— Юксак унвон мени барча ҳамкасбларим қатори янада ғайрат ва масъулият кўрсатиб ишлашга даъват этади, — дейди Эркин Ғуломов. — Ниятим доимо осмонимиз мусаффо бўлсин, озод ва обод Ватанимиз шон-шуҳратларга бурканаверсин.

**Хондамир СОЛИҲОВ.**

**СУРАТДА: Эркин Ғуломов.**

**Рашид Галиев олган сурат.**

# БУГУН


☑ ***Газ ва сув қувурларини емирилишдан сақлаш учун нималар қилинмоқда? Ўзбек олимларининг бу борадаги изланишлари қандай?***

***2-бетда.***

☑ ***Ном ҳам ҳусн деймиз. Пойтахт кўчаларига қўйилган янги номлар ана шу фикримизга яна бир далилдир.***

***3-бетда.***

☑ ***Кейинги ҳафтада «Ойнаи жаҳон» орқали қандай кўрсатувлар намойиш этилади? Бўш вақтларимиз файзли ва мароқли кечадими?***

***4, 5, 6-бетларда.***

☑ ***«Ҳазрат Искандар бу икки доно ҳакимга кўп навозишлар қилиб, инъом ва эҳсонлар берди».***

***7-бетда.***

☑ ***Имконинг кўтаришига қараб сахийлик қил, бировларга тақлид қилган ҳолда сахийлик қилма.***

***8-бетда.***


# ДАВР САДОСИ

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни мамлакат Президенти, Миллий хавфсизлик Кенгаши Раиси Ислом Каримов бошқарди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Оқилжон Обидов Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири этиб тайинланди ва шу сабабдан у Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири вазифасидан озод қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Баҳодир Умурзоқов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири вазифасидан озод қилинди.

• Тошкентда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Германиянинг Кредитенштальт фюр Видерауфбау (КФВ) банки ўртасида 15 миллион евро миқдорида (30 миллион немис маркасига тенг) кредит бериш тўғрисида битим имзоланди.

• Инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий марказида Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлди.

• Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлисида адлия ва суд идораларининг 1998 йил якунлари ва олдинда турган вазифалар муҳокама қилинди.

• **Кеча** Тошкент Автомобиль йўллари институтида мамлакатимиз раҳбарининг асарларини ўрганишга бағишланган илмий-амалий конференция бўлди. Унда талаба ёшлар ва ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш вазифалари муҳокама қилинди.

• **Бугун** Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлигида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

• Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида бўлиб ўтган кенгаш Ватан озодлиги учун жасур курашчи, миллий қаҳрамон, дунё тарихида ўчмас из қолдирган Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига тайёргарлик масалаларига бағишланди.

• Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси китоб савдо ярмаркаси ташкил этди.

• Жарқўрғон туманидаги «Сурхон — Самонур» кичик корхонасида маккажўхоридан крахмал тайёрлаш йўлга қўйилди.

• **Бугун** Ўзбекистон Давлат санъат музейида истеъдодли рассом Сергей Алибековнинг асарлари кўргазмаси очилди.

## ЖАҲОНДА

• **Бугун** Кишинёвда МДҲ мамлақатлари депутат-аёллари учрашуви бўлади.

• **Кеча** НАТО ҳузуридаги Америка Қўшма Штатларининг доимий ваколати раҳбари Александр Вешбоу бошчилигидаги АҚШ делегацияси Киевга амалий ташриф билан келди.

• Яқинда истеъфога чиққан Исроил мудофаа вазири Ицхак Мордехай баҳорда бўлиб ўтадиган парламент сайловларида қатнашиш учун янги партия тузаётганлигини айтди.

• **Кеча** Швейцариянинг Давос шаҳрида Жаҳон иқтисодий форуми очилди.

• НАТОнинг ҳарбий қўмитаси раҳбари Науман Косовода кўзда тутилиши мумкин бўлган ҳарбий операцияларни ўтказиш режалари тайёр эканлигини айтди.

• **Кеча** Туркманистон ташқи ишлар вазири Борис Шихмурадов Покистонга келди. Ушбу ташрифдан кўзланган асосий мақсад Туркманистондан Афғонистон ҳудуди орқали Покистоннинг Мултон бандаргоҳига газ қувури ўтказиш лойиҳасини амалга оширишдир.

• Эрон ва БМТ гиёвандлик моддалари контрабандасига қарши кураш тўғрисидаги битимга имзо чекдилар.

• Ҳиндистоннинг Гужарат штати пойтахти — Аҳмадободда «Махотсав-99» иккинчи халқаро рақс фестивали бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон рақс санъатини «Хоразм гуллари» халқ рақслари жамоаси намойиш этди.

• Голландияда ўтаётган шахмат бўйича мусобақанинг тўққизинчи турида голландиялик Ван Вели ўзбекистонлик Рустам Қосимжоновга ютқазди.

• Чехияда фигурали учиш бўйича Европа чемпионати бошланди.

## ПОЙТАХТ ҲАЁТИ: янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Ҳамкорлик*

# ҚУЛАЙ ВА КЎРКАМ

***Пойтахтимизнинг барча туманларида хорижий мамлакатлар ҳамкорлигида тузилган кўплаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири — Яккасарой туманида жойлашган «Снифко» Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) қўшма корхонасидир.***





1995 йилнинг ноябрида иш бошлаган мазкур корхона, асосан, жаҳон андозалари даражасидаги юмшоқ мебеллар тўпламлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, Низом фонди 13 минг долларни ташкил этади.

Бугунги кунда корхонада меҳнат қилаётган ишчиларнинг унумли ишлашлари учун барча шароит бор. Ойлик маошлари ўртача 5-8 минг сўмни ташкил қилади. Жамоа ойига 3,5-4 миллион сўмлик юмшоқ мебеллар тўплами, аҳоли эҳтиёжига қараб, матрас (кўрпача)лар, болалар ётоқхонаси учун мўлжалланган мебель жиҳозлари ва бошқа харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

— Корхонамизда айни пайтда пойтахтдаги «Оқтепа», «Даврон», «Рассоди» мебель дўконлари ҳамда «Диёр» савдо уйидан тушган буюртмалар асосида маҳсулотлар тайёрланмоқда, — дейди биз билан суҳбатда «Снифко» қўшма корхонаси бош директори Патидин Фозилов. — Бир ойда кўплаб ана шундай юмшоқ мебеллар тўпламларини ишлаб чиқариш имкониятларига эгамиз. Бу йил маҳсулотларимизнинг сифатини янада ошириб, хорижга экспорт қилишни ҳам мўлжаллаб турибмиз.

**Мирзаали АКБАРОВ.**

**СУРАТЛАРДА: қўшма корхона фаолиятидан лавҳалар: илғор ишчилар Нигора Собирова ва Мамлакатхон Исмоилова; уста Ғайрат Қамбаров.**

**Солиҳ Зоир олган суратлар.**

*Фан*

# ТАДҚИҚОТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

***Илм-фан ютуқлари асосида яратилаётган турли техникавий асбоб-ускуна, мослама ва аппаратлар мамлакатимиз халқ хўжалиги ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу хил техник қурилмаларнинг юзага келишида «Академасбоб» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассисларининг хизматлари катта бўлмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мазкур бирлашмаси бундан олти йил аввал «Марказий илмий асбобсозлик бўйича лойиҳалаш-конструкторлик ва технология бюроси» негизида ташкил топган эди. Шундан бери у академиянинг илмий тадқиқотлар бўйича асосий таркибий қисмларидан бири сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Бугунги кунда бизда 5 та илмий лаборатория, 6 та конструкторлик бўлими, тажриба-ишлаб чиқариш ҳамда ёрдамчи хизмат бўлинмалари бор, — дейди «Академасбоб» бирлашмасининг бош директори, профессор Саъдулла Баҳромов. — Шу билан бирга «Оптика» ва «Физикавий электроника» ихтисослиги бўйича илмий кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Биз ўтган йили Давлат буюртма дастури бўйича тўртта ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси танлови асосида тўртта йирик мавзу устида самарали иш олиб бордик. Бирлашмамиз Ўзбекистон фан ва техника Давлат қўмитаси Давлат илмий-техник дастурига қарашли «Асбобсозлик» ишланмаларнинг мувофиқлаштирувчи бош ташкилот сифатида ҳам қатор изланишларни амалга оширдик. Белгиланган 38 та мавзудан 7 таси «Академасбоб» бирлашмаси томонидан бажарилди.

Натижада турли частотали лазер нурларининг физикавий асослари аниқланди ҳамда ультра қисқа муқобил лазер импульсларининг генерация механизми ўрнатилди. Қуввати ўзгарадиган турли технологик лазер қурилмалари намуналари яратилди. Майданак тоғидаги станцияга замонавий лазер қурилмаси ўрнатилди.

Мутахассис ва олимларимиз импорт эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи қатор асбоб-ускуналар ва жиҳозлар яратишга ҳам муваффақ бўлдилар. Бу каби тадқиқотлар туфайли мамлакатимиз саноат ишлаб чиқариши кўплаб иқтисодий фойда кўрмоқда.

Биз Тошкент метросининг Юнусобод йўналишини бунёд этишда ишлатиладиган мураккаб мосламаларни тайёрлаб беришга ҳам эришдик. Мутахассисларимиз изланишлари метро йўлида нозимлик назоратини автоматик тизим бўйича бошқариш билан боғлиқ яратилган мосламалар буюртмачиларга ўз вақтида етказиб берилди.

Шу билан бирга Тошкент метрополитени илтимосига асосан ҳаракат таркиби учун бортли телемеханик тизим яратилди. Шу жараёнда ностандарт жиҳозлар намуналари ҳам юзага келди. Булар Юнусобод метро йўналиши учун телемеханизациялашган замонавий нозимлик тизимини яратиш имконини берди.

Газ ва сув қувурларини емирилишдан сақлаш мақсадида қатор ҳимоя станцияси ҳам рўёбга чиқди. Ўрта ва кичик бизнесменлар учун махсус ихтиро қилинган кишмишни қайта ишлаш технологик линияси ҳозир жойларда муваффақиятли ишлатилмоқда.

Бирлашмада яратилаётган бу сингари асбоб-ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари ривожида салмоқли ўрин тутмоқда.

**Акбар АЛИЕВ.**

*«Камолот»*

# ЁШЛАРГА ИШОНЧ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, мен ёшларга ишонаман!» деган сўзлари биз, ёшларни илм олиш ва касб- ҳунар ўрганишда янада масъулият билан ёндошишни, юртимиз равнақи йўлида фидойи инсон бўлишимизни талаб этади.***

Бунинг учун эса турли ўқув юртлари, лицей ва коллежлар фаолиятини янада яхшилаш, замон талаби даражасида таълим-тарбия бериш, ёшлар дунёқарашини шакллантириш масалаларига эътиборни кучайтириш зарурлиги тўғрисидаги илиқ фикрлар Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги чет тиллар лицейи ўқитувчи ва ўқувчиларини янада руҳлантирди. Шу боисдан мазкур лицейда «Келажак-умидли ва ишончли ёшлар қўлида» мавзуида ҳуқуқшунослар, тарихчи олимлар, маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ходимлари иштирокида учрашув ташкил этилди.

Учрашувда сўзга чиққан лицей директори, доцент Ж. Ҳ. Ҳасанов ўқувчиларнинг замон талаби даражасида билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилаётгани, 2000 йилга қадар лицей академик лицей даражасида фаолият кўрсатиши учун барча ташкилий ишлар амалга оширилаётгани, ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ошкоралик, демократияни шакллантириш, ёшларнинг билим олишга қизиқишини ўстириш, ўз устида ишлаш, лоқайдлик ва бепарволикка муросасиз бўлиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш зарурлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

**Дилдора МУҲАММАДЖОНОВА,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги чет тиллар лицейи ўқувчиси.**

## ҚАРОР ВА ИЖРО

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

# ЯНГИ НОМЛАР

***Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 майдаги «Маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида»ги 203-сонли қарори, Топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссиясининг 1998 йил 11 декабрдаги мажлиси қарори ҳамда шаҳар Топонимия комиссиясининг таклифларини кўриб чиқиб, Тошкент шаҳридаги баъзи кўчалар номларини тартибга солиш тўғрисида 1999 йил 21 январда қарор қабул қилди.***

***Тегишли туман ҳокимликлари, бош бошқармалар, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига мазкур қарор бўйича ўзгаришларни бир ойлик муддат ичида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида амалга ошириш вазифаси юклатилди. Номи ўзгарган кўчаларда истиқомат қилаётган аҳолини қайта рўйхатдан ўтказиб, янги ўзгаришлар ҳақида ички ишлар, соғлиқни сақлаш, тез ёрдам, ижтимоий таъминот, почта, алоқа, телефон, мудофаа, ўт ўчириш, ободонлаштириш, электр тармоқлари хизматлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар хабардор этилиши лозим.***

## Тошкент шаҳридаги баъзи кўчалар номларини тартибга солиш тўғрисида

| № | Ҳозирги номи | Янги номи | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| | | **Акмал ИКРОМОВ тумани:** | |
| 1. | Абдулла Ёрмуҳамедов кўчаси | ZOKIR MA'RUFOV KO'CHASI | Таниқли луғатшунос олим. Шу кўчада яшаган. Ф. Хўжаев ва У. Юсупов маҳалласи |
| 2. | Абдулла Ёрмуҳамедов 1-5 проезди | ZOKIR MA'RUFOV 1-5-KO'CHASI | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида |
| | | **ШАЙХОНТОҲУР тумани:** | |
| 1. | Шерозий кўчаси (такрор кўча) | SOLIH UMAROV KO'CHASI | Иккинчи жаҳон уруши Қаҳрамони. Шу кўчада яшаган. «Оқлон» маҳалласидаги кўча |
| 2. | «Хадра» маҳалласидаги номсиз кўча | HAMID RAHMATULLAYEV KO'CHASI | Таниқли футболчи ва мураббий. Шу кўчада яшаган. «Хадра» маҳалласидаги кўча |
| 3. | 12 декабрь кўчаси | G'OFUR RAHIMOV KO'CHASI | Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқа ходими. Шу кўчада яшаган. «Янгиобод» маҳалласи |
| 4. | Мактаб кўчаси | YUNUSBEK KO'CHASI | Шу ерда яшаб катта обрў қозонган олим. «Шопайз» маҳалласи |
| | | **ҲАМЗА тумани:** | |
| 1. | Ҳамза кўчаси | MIRZAMAHMUD MUSAXONOV KO'CHASI | Таниқли давлат ва жамоат арбоби. Меҳнат Қаҳрамони. Узоқ йил Тошкент вилоятига раҳбарлик қилган. |
| 2. | Ганитой Тошнёзов кўчаси | PAHLAVON KO'CHASI | Кўчанинг тарихий номи |
| | | **ЯККАСАРОЙ тумани:** | |
| 1. | Минин ва Пожарский кўчаси | SATTOR ESHONQULOV KO'CHASI | Иккинчи жаҳон уруши Қаҳрамони. «Бироданлик» ва «Тўқимачи» маҳалласидаги кўча |
| 2. | Текстильмаш кўчаси | ZAKI VALIDIY KO'CHASI | 1890-1970. Йирик шарқшунос олим ва профессор |
| 3. | Яҳё Ғуломов кўчаси (такрор кўча) | AKADEMIK SIDDIQ RAJABOV KO'CHASI | Йирик тилшунос олим, академик Яҳё Ғуломов номи собиқ Гоголь ўрнига қўйилган. |
| 4. | Раскова кўчаси | KOMIL YASHIN KO'CHASI | Таниқли ўзбек адиби. Меҳнат Қаҳрамони |
| 5. | Алтайский кўчаси | ANDIJON KO'CHASI | Жойнинг тарихий номи |
| 6. | Алтайский проезди ва тупиги | ANDIJON TOR KO'CHASI, BERK KO'CHASI | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида |
| 7. | Рабочая кўчаси | MINGGUZAR KO'CHASI | Жой номини миллийлаштириш мақсадида. «Миробод» маҳалласи |
| 8. | Одесса кўчаси | SAROY KO'CHASI | Йирик ўзбек уруғи номларидан бири. «Яккасарой-11» маҳалласи |
| 9. | Артиллерийская кўчаси | SAROBO'STON KO'CHASI | Жой номини миллийлаштириш мақсадида. «Туркистон» маҳал. |
| 10. | Глазунов кўчаси | EHTIROM 4-KO'CHASI | Шу номдаги ёндош кўчага уйғунлаштириш мақсадида. Муқимий маҳалласи |
| | | **СЕРГЕЛИ тумани:** | |
| 1. | Ш. Бурхонов маҳалласидаги янги кўча | ZARUNAR KO'CHASI | Янги участкалар қурилиши муносабати билан пайдо бўлган кўча. |
| 2. | Шу жойдаги янги кўча | ZARUNAR 1-KO'CHASI | Бир жойдаги кўча номларини соддалаштириш мақсадида |
| 3. | Шу жойдаги янги кўча | ZARUNAR 2-KO'CHASI | Бир жойдаги кўча номларини соддалаштириш мақсадида |
| | | **ЮНУСОБОД тумани:** | |
| 1. | Брест кўчаси | MINGO'RIK KO'CHASI | Шу номдаги кўчанинг мантиқий давоми бўлганлиги учун. «Мингўрик» маҳалласи |
| 2. | София проезди | LAYLAKOBOD KO'CHASI | Жойнинг тарихий номи. «Мингўрик» маҳалласи |
| 3. | Рига кўчаси | HAKIMZODA 2-KO'CHASI | Жойдаги Ҳакимзода кўчасига туташ бўлганлиги учун. «Мингўрик» маҳалласи |
| 4. | Антипов кўчаси | BOG'CHA KO'CHASI | Амир Темур яратган боғ номи. А.Жомий маҳалласи |

| № | Ҳозирги номи | Янги номи | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 5. | Житков кўчаси | BOG'CHA 1-KO'CHASI | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида |
| 6. | Руднев кўчаси | BOG'CHA 2-KO'CHASI | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида |
| 7. | Чистяков кўчаси | FIRDAVSIY 2-KO'CHASI | Шу номдаги кўчага туташ бўлганлиги учун. Фирдавсий маҳалласи |
| 8. | Керчь кўчаси | FIRDAVSIY 3-KO'CHASI | Шу номдаги кўчага туташ бўлганлиги учун |
| 9. | 4-Магнитогорский кўчаси | QO'RG'ON KO'CHASI | Жой номини миллийлаштириш мақсадида |
| 10. | 7-Магнитогорский кўчаси | QO'RG'ON 1-KO'CHASI | Ёндош кўча номларини соддалаштириш мақсадида |
| 11. | 7-Магнитогорский проезди | QO'RG'ON 2-KO'CHASI | Ёндош кўча номларини соддалаштириш мақсадида |
| 12. | Тюмень кўчаси | QO'RG'ON 3-KO'CHASI | Ёндош кўча номларини соддалаштириш мақсадида |
| 13. | Благоев кўчаси | QO'RG'ON 4-KO'CHASI | Ёндош кўча номларини соддалаштириш мақсадида |
| 14. | Агишев кўчаси | ZIYO TURSUNOV KO'CHASI | 1923-1984. Таниқли биолог олим, профессор, фан доктори. Шу кўчада яшаган. Уста Ширин маҳалласи. |
| 15. | Киев кўчаси (такрор кўча) | KORXOJAOTA KO'CHASI | Жойнинг тарихий номи. «Янгиариқ», «Уста Ширин» ва «Оқибат» маҳалласи |
| 16. | Уста Ширин проезди (такрор кўча) | KORXOJAOTA 1-KO'CHASI | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. Уста Ширин маҳалласи |
| 17. | Сухумский проезди | KORXOJAOTA 2-KO'CHASI | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида |
| 18. | Кутузов проезди | KORXOJAOTA 3-KO'CHASI | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида |
| 19. | Киев 3-линияси | KORXOJAOTA 4-KO'CHASI | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Оқибат» маҳалласи |
| 20. | Дадил Бозоров кўчаси | HASANBOY KO'CHASI | Жойнинг тарихий номи «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи |
| 21. | Бородин кўчаси | XALQOBOD KO'CHASI | Жойнинг тарихий номи. М. Улуғбек маҳалласи |
| 22. | Магнитогорский кўчаси | XALQOBOD 2-KO'CHASI | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида |
| 23. | Белинский кўчаси | XALQOBOD 1-KO'CHASI | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида |
| 24. | Бульварная кўчаси | AHILOBOD KO'CHASI | Жойнинг тарихий номи. «Кулолкўприк» маҳалласи |
| 25. | Бобир кўчаси (такрор кўча) | QING'IROQ KO'CHASI | Жойдан ўтадиган қадимий ариқ номи. «Оқтепа» маҳалласи |
| | | **Мирзо УЛУҒБЕК тумани:** | |
| 1. | Жуковский 1-тупиги | HAMID OLIMJON BERK KO'CHASI | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. Фирдавсий маҳалласи |
| 2. | Пушкин-Салор (Тамарахоним 1-тор) кўчаси | MIRZAKALON ISMOILIY KO'CHASI | Таниқли адиб. Жойдаги маҳалла номи билан уйғунлаштириш мақсадида. М. Исмоилий маҳалласи |
| 3. | Бўзбозор кўчаси | MUXTORXO'JA HOSHIMOV KO'CHASI | Таниқли ветеринар. Кўчанинг аввалги номини тиклаш мақсадида. Бошқа Бўзбозор кўчаси бор. |
| | | **Собир РАҲИМОВ тумани:** | |
| 1. | Юлаев кўчаси | MAVLON ABDULLAYEV KO'CHASI | 1907-1982. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи. Шу кўчада яшаган. |
| 2. | Замин, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари илмий-тадқиқот лойиҳа-технология институти | Q.M.Jimayev nomidagi Zamin, poydevorlar va yer osti inshootlari ilmiy-tadqiqot loyiha-texnologiya instituti | Шу институт асосчиси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор |
| | | **ЧИЛОНЗОР тумани:** | |
| 1. | Бульварная кўчаси | MEHR KO'CHASI | Жой номини миллийлаштириш мақсадида. «Навбаҳор» маҳалласи |

# ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИ

*Донишмандлар хазинасидан*

## АФЛОТУН ВА АРАСТУ

***Муштарийларимиз диққатига бугун ҳавола этилаётган «Афлотун ва Арасту» сарлавҳали ҳикоямиз ҳам Шарқ ҳукамоларининг сайланма асарларидан бири бўлиб, машҳур «Искандарнома» тўпламига дарж этилгандир. Ўйлаймизки, бу ҳикоя ҳам «Сайид ўтинчи саргузашти»дек сизларда катта таассурот қолдиради.***

Энди икки калима сўзни донишмандларнинг ўйинидан эшитингким, келтирибдурлар бир куни боргоҳи олий ҳазрат Искандарда донишмандлар жаъм эрдилар. Аҳли донишлардан чунончи Афлотун, Арасту, Суқрот, Буқрот ва шундан ўзга яна етмишта доно ҳакимлар ҳозир эрдилар. Арасту ҳаким таъби хушлик айлаб дедиким илми устурлоб мандиндур, ўзга оламдин хабар берур, фалон илм ҳам мандиндур, фалон ҳунар ҳам мандиндур. Илми симиё, кимё ва ҳимиё булар ҳаммаси зодайи таъбимдур деб ўзига кўз фахр ва навозишлар кўрсатди. Бу сўз Афлотунга писанд бўлмади, қаттиғ тегди, ул мажлис поёнига етди. Ҳар ким ўз жойларига кетдилар.

Афлотун доно бир хилват ерга кириб хаёллар қилур эрдиким, бир ҳунарни вужудга келтиргайким ул ҳунарни ўзга донолар билмагайлар. Охири ройи ул ерга қарор топдиким, илми мусиқий фунунида бир томошо пайдо айлагай. Бир асбоби нағмани соз этиб, мусиқий қоидаларини жорий айлаб, дам-бадам парда-бапарда сайрон бўлиб, кам-кам, зинабазина илгари борур эрди. Кундан кунга қўли қувват топиб, таъби мавзун бўлиб шаҳристон нағмани таскир айлади. То олти даромад ўн икки мақом, йигирма тўрт шўъба ҳар шўъбада уч юз олтмиш шоҳ, ҳар шоҳда уч юз олтмиш ҳиром, ҳар ҳиромда уч юз олтмиш савт, ҳар савтда уч юз олтмиш молиш, ҳар молишда уч юз олтмиш румуз, ҳар румузда уч юз олтмиш замзамаларни ўз мақомига муносиб қўлға келтирди. Агар бир жамоат одамлар ичра кириб бир даромадни фаслидин тушиб то мақом шиддайи руҳга еткурса, ҳамма сомеълар (тингловчилар, мисли бежондек бўлиб йиқилиб қолур эрдилар. Фасли жондаро (жон киритувчи) бирлан ҳаммалари яна ҳушларига келиб турар эрдилар. Ул шўъбадин ўтса ҳаммалари кулишур эрдилар. Ул бобдин ўтса ҳамма йиғлашур эрдиларки баданида нами қолмас эрди. Бу ҳиромдин ўтса ҳамма сув бўлур эрди. Мундин ҳам юқорига ўткарса ҳаммага ўт тушиб куяр эрди.

Алқисса, Афлотун бу ишларга румуз топди. То бу муддатларда кишига кам кўринди. Арасту ҳам билдиким, Афлотун бир иш бошлагундекдир. Бул ҳам сарҳисоб бориб илми мусиқийга ақли гувоҳлик берди. У ҳам неча кун тараддудлар бирлан то мақоми шиддайи руҳга даст топди. Ҳазрат Искандарга хос айлаб, бир мажлис ораста айлаб, нағма айларга туриб шиддайи руҳга еткурди. Яқиндан эшитганлар ҳаммаси бежон бўлиб йиқилиб қолдилар. Арасту ҳарчанд қилди бул беҳушлар ўзига келмади. Шоҳ дилтанг бўлиб Афлотунга киши юборди, олиб келдилар. Афлотун асбоби созни олиб, фасли жондарони жойига еткурди. Ҳамма беҳушлар ҳушига келиб туриб ўлтирдилар. Арасту бошлиғ ҳамма донолар Афлотунга таслимотлар айлаб узр айтдилар.

Алқисса, шундан кейин икки кун ўтди, бир неча ҳукамолар жаъм бўлиб, юз ададча доруларни бир ерга йиғиб, ул доруларнинг шарбатини олиб, оловда қиём айладилар. Бир навъи захри ҳалоҳал тайёр бўлди. Аммо бу заҳар ҳеч қандай идишда турмас, ҳар қандай идишни ўйиб кетар эрди. Шоҳга арз айладилар, шоҳ Афлотундин сўради. Афлотун агар олмосдин ясалган пиёла мавжуд бўлса анда тургай деб, жавоб берди. Ҳазрат Искандар хазиначига дедиларки, Чин хоқони олмос пиёла юборган эрди, олиб келғил! Хазиначи ҳозир айлади. Арасту олиб анча заҳарни солди, ўйиб кетмади.

Афлотун фаҳмладики, бу заҳарни менга ичургай деб, Афлотун ҳам қирқ шиша шарбат тайёр қилди. Ҳамма шишаларга хат битиб қўйди. Бир замбилнинг ичини пахта бирлан тўлатиб, бир нафар шогирдини бул асрордин огоҳ айлаб, таълим бердики, мен шоҳнинг олдида бул замбил ичидаги пахта устида ўлтириб, ҳукамоларнинг тайёр қилган заҳарини ичурман. Бир оз фурсат ўтгач, бир пиёла сувдек бўлиб тўкилиб кетсам керак. Сизлар «вой пирим» — деб, замбилни кўтариб олиб келиб бул ерга қўйинглар. Ҳар куни бир шиша шарбатни бул пахтаға қуйинглар. Қирқ кундан кейин бул пахтадин бир гўдак пайдо бўлгай, ани олиб тарбият қилинглар, то саксон кунда яна иккинчи марта дунёга келурман деб, васиятни бу ерга еткуриб, бир рисола қилиб бериб қўйди.

Бир куни шоҳдин киши келиб олиб борди. Ҳар ким ўз жойида барқарор бўлдилар. Арасту туриб арз айладики, ҳукамолар жаъм бўлиб, бир мисқол дору тайёр қилибдурлар. Ул доруни ҳакими доно нўш қилғайлар, деди. Афлотун дарҳол шоҳдин фотиҳа олиб ул замбилдаги пахта узра ўлтирди ва якбора нўш айлади, бир қатра ҳам қолмади. Ҳамма одамлар қараб турган эрдиларки, ҳакимнинг ранги ўзгача бўлиб, бир пиёла сувдек сочилиб, пахтага тўкилди. Шогирдлари «вой устодим, вой пирим» — деб, замбилни кўтариб олиб кетдилар. Ҳазрат Искандар бисёр паришон ҳол бўлдилар. Ул шогирдлар замбилни олиб келиб муайян қилинган жойга қўйиб, ул рисолага амал айлаб, ҳар куни бир шиша шарбатни пахтага қуяр эрдилар. То қирқ кун тамом бўлди, ул пахта ичидин бир гўдак мавзун пайдо бўлди. Ул гўдак йўлга кириб, тил чиқарди. Соқол-мўйлаблари ҳам аввалгудек бўлиб, юз кун деганда асли суратига келди. Бул хабар оламға машҳур бўлди. Ҳазрат Искандар ҳам эшитиб шоду хуррам бўлдилар. Ҳамма донишмандлар, ҳакимлар ва аскариялар ҳозир бўлдилар. Афлотунга яна киши юбориб олиб бордилар. Шоҳ бошлиқ ҳамма кўришиб хурсанд бўлдилар. Суҳбатлари авжига чиқди. Ҳазрат Искандар ҳаддин зиёда инъом ва эҳсонлар айлаб, ҳамма ҳозир бўлганларни дунёлиғдин мамнун қилдилар.

Афлотун ҳазрат Искандарга юзланиб арз айладиким мен ҳам донолар жамоаларига бир ўйин кўргузсам деди. Шоҳдин ижозат олгач, дедики ул олмос пиёладаги заҳарни нўш айлаган эрдим. Ўшал олмос пиёлани яна ушбу мажлисда ҳозир қилсалар. Дарҳол ул пиёлани келтирдилар. Афлотун пиёлани қўлига олмасдан туриб дедики, эй Арастуйи доно, ушбу пиёлада бир сув олиб келиб беринг. Арасту пиёлани тўлатиб сув олиб келди. Афлотун ул сувга ўнг қўлининг бармоқларидан бирини уч маротаба чайиб Арастуга бериб бул сувни ичинг деди. Арасту ўз ўриндиғига ўлтириб, сувни ичди. Ҳаммалари қараб турардилар. Арастунинг аҳволи ўзгарди, ранги аввал оқарди, сариқ бўлиб сўнг қизил, сабза ва қора бўлиб, юзидин, оғзидин, кўзидин, қулоғидин тутун чиқа бошлади. Ул тутун билан шароралар, учқунлар пайдо қилди. Аста-секин бадани ўтдек бўлди. Оғзидин бир темир гулмиҳ намоён бўлди, бир наз узунликда чиқиб, чақнаб турди. Орқа тарафидин ҳам тутунлар ва шароралар пайдо бўлиб, оловли сих каби бу ҳам бир газ узунликда эди. Арасту гўё сихга тортилган кабобдек бўлди. Ўриндиқ ва палослар ҳаммаси куйиб кул бўлди, гўёки бир бутун лахча чўғдек бўлиб қолди. Ҳазрат Искандар кўп малул хотир бўлиб, афсуски Арастудек донишманд куйиб, бу оламдин йўқ бўлди деди. Афлотун кўрдики, шоҳ бағоят, ғамгин бўлибдур.

Афлотун Арастунинг шогирдига буюрдики, ул олмос пиёлада сув олиб келинг деб. Ул ҳаким бир пиёла сув олиб келди. Афлотун чап қўлининг бармоқларидин бирини ул пиёладаги сувга чайиб, дедики, энди бу сувни Арастуга сочғил! Ул ҳаким сувни Арастуга сочди. Оз фурсатда аста-секин ўтлар пасайиб, сихлар яна ичкарига тортилиб нопайдо бўлди. Тутун ва шароралар ҳам йўқолиб, Арастунинг бадани аввал қорайди, сўнг оқ, қизил ва сабза бўлиб, замони ўтди. Арасту асли суратига келиб, ўрнидин туриб, шоҳга салом айлаб, ҳозирлар бирлан кўришиб, Афлотунга узрлар айтди. Ҳазрат Искандар бу икки доно ҳакимга кўп навозишлар қилиб, инъом ва эҳсонлар берди.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.**



*«Болагинам, мен сенга насиҳат айлай...»*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

*Ривоят*

## ОНА РОЗИ...

Ривоят қилишларича, Пайғамбар алайҳиссаломнинг асрида бир йигит бор эди. Маст бўлиб, онасини бир шапалоқ урди. Онаси йиғлаб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига борди ва деди:

— Ё расулуллоҳ, ўғлим менга шундай азоб қилди!

Ўғли маст бўлиб, ухлаб қолган эди. Бирор соатдан кейин уйғониб, ўзига келди. Унга: «Мастликда онангга бундай азоб бердинг!» дедилар. Йигит бу сўзни эшитиб, пичоқ билан ўз қўлини кесди ва бандидан жудо қилди. Бир қўлига пичоқ олиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг олдиларига борди. Онанинг назари ўғлига тушиб, кесилган қўлини кўргач, ўз оғриғини унутиб, ўғлининг оёғига йиқилди ва деди:

— Эй жигаримнинг пораси, вой кўзимнинг равшани, қўлингни ким кесди?

Ўғли онасининг оёғига бош қўйиб:

— Эй она, мен қўлимни сенга беодоблик қилганим учун кесдим, — деди.

Онаси бу сўзни эшитиб, унга раҳми ва меҳри келиб, қучоғига олди ва юзини юзига қўйиб, йиғлай бошлади. Пайғамбар алайҳиссалом буни кўриб, хаёлга чўмдилар. Шу пайт Жаброил алайҳиссалом шундай ваҳий олиб келди:

— Ё Муҳаммад, шафқат вақтидир, сен булар учун дуо қил, мен уларнинг гуноҳидан ўтдим.

Пайғамбар алайҳиссалом йигитга:

— Қўлингни банди-бандига қўй! — дедилар.

Йигит банди-бандига қўйган эди, Пайғамбар алайҳиссалом дуо қилдилар. Шу онда унинг қўли асли ҳолига келди.

Эй одам, агар мўъмин бўлсанг, ота-онангни рози қил, то дўзах оловидан халос бўлгайсан!

## ҲИКМАТЛИ САВОЛ-ЖАВОБЛАР

Қадимги Эрон донишманди Бузургмеҳр бир ҳинд донишманди билан ахлоқ-одоб борасида суҳбатлашарди:

— Қайси хислат одамни паст мартабадан аъло даражага кўтаради?

— Ақл ва тамиз.

— Одам нима билан одам бўла олади?

— Одамгарчилик билан. Агар одамда шу хислат бўлмаса, унинг ҳайвондан фарқи йўқдир.

— Одоб, тарбия одамга қандай фойдалар етказади?

— Одобли, тарбияли одам бошқаларга муҳтож бўлмайди, балки улар бунга муҳтож бўладилар. Одобли, тарбияли одам ҳеч кимдан койиш эшитмайди, ҳамма уни дўст тутади.

— Ҳаммадан ҳам аччиқ нарса нима?

— Пасткаш, ноаҳил одамларга муҳтожлик, улардан бемаъни сўзлар эшитиш.

— Қайси нарсалар одамга алам ва пушаймонлик келтиради?

— Ғазаб, такаббурлик ва ножўя ҳаракат.

— Қандай одамларни ақлли ва қандай одамларни зийрак, деб айтамиз?

— Бир ишга киришмасдан, аввал унинг оқибатини яхшилаб ўйлаб, сўнг у ишга киришган одамни ақлли, кейин келадиган воқеани илгарироқ сезиб, унинг чора ва тадбирига киришган одамни зийрак, деб айтамиз.

— Қайси нарсалар инсон учун айб саналади?

— Бахиллик, ёлғончилик, чақимчилик, дўстларининг озгина камчиликларини кўриш билан улардан юз ўгириш, ўз айбини кўрмай, бошқаларнинг айбларини ошкор қилиш.

**Хонбиби МАҲАНОВА тайёрлади.**

# ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

*Театр*



## «МУНАЖЖИМ»

Айни кунларда пойтахтимиздаги Ёш томошабинлар театрида Аёллар йили муносабати билан таниқли режиссёр, республикада хизмат кўрсатган артист Фарҳод Алимов томонидан саҳналаштирилган «Мунажжим» спектакли кенг томошабинлар ҳукмига ҳавола этилмоқда.

Ёзувчи Жўра Худойбердиевнинг мазкур асарининг асосий моҳияти бугунги турмушимизда учраб турадиган эр-хотинлар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг бир-бирига бўлган ҳурмати, меҳр-муҳаббати ҳар томонлама сатирик ва чиройли воқеалар орқали очиб берилган.

**Очил ҲАЗРАТОВ.**

*Билиб қўйган яхши*

## КОНИ ФОЙДА

Агар узоқ умр кечирган одамдан:

— Қандай қилиб шу ёшга етишдингиз, — деб сўрасангиз, у шундай жавоб беради:

— Жисмоний меҳнат ва спортни ҳаётимнинг мазмуни деб билдим, кўпроқ очиқ ҳавода бўлдим, пиёда юрдим, суюқ таомларни ва қатиқни кўп истеъмол қилдим. Асабни асрадим, хотиржамлик ва сабрни одат қилдим. Оллоҳ берган умрнинг қадрига етдим.

Ҳақиқатан ҳам юқорида айтилган жавобда мантиқ бор. Айниқса, қатиқ инсон ёшлигини узайтиради ва кайфиятни яхшилайди. Қатиқ таркибида ёшартирувчи моддалар ва витаминлар кўп бўлиб, булар А, Е, Д, Г витаминлардир. Қатиқ асабни тинчлантиради. Уни мунтазам ичиб туриш уйқусизлик касалига чалинганларга жуда фойдали бўлиб, узоқ ва тиниқ уйқу бағишлайди. Меъда ва ичакдаги микробларни ўлдиради. Инсон танасидаги барча заҳарларни суриб чиқаради. Нон билан қатиқ чанқаган кишига энг яхши таомдир. Овқатдан заҳарланганда ёки умуман заҳарланиш ҳолларида ҳам қатиқ тавсия қилинади. Агар қатиқ совуқ бўлса озгина хонада турсин. Хона ҳароратига мослашгач, уни истеъмол қилишингиз мумкин ёки қатиққа озгина ялпиз қўшиб ичинг. Ялпизли қатиқ шамоллашнинг олдини олади. Қатиқ, айниқса, болалар учун жуда фойдалидир. Миллий таомларимиздан бўлган маставани тайёрлашда ҳам қатиқдан фойдаланилган. Қадимда мастава тайёрлаш учун қатиқнинг зардоби ишлатилган. Таомни тайёрлашда лозим бўлган барча масаллиқлар қатиқ зардобида пастроқ оловда қайнатилган. Бундай мастава ошқозон ичак фаолиятини яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлган. «Мастава» сўзининг келиб чиқишига аҳамият берсак ҳам, бу нарса маълум бўлади. «Мастава» форсча сўз бўлиб, «мост» «қатиқ», «об» — «сув» деганидир, яъни «қатиқ зардоби» маъносини англатади.

Хулласи калом, қатиқни мунтазам ичиб туриш инсон умрига умр қўшади, саломатликни яхшилайди.

**Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.**

*Турфа олам*

## ҚУШЛАР ҲАМ АЖРАЛИШАДИМИ?

Қани айтинг-чи, худди одамларга ўхшаб ҳайвонот оламида «ажралишлар» юз берадими? Немис зоологи Альфред Вольфенгрубер ана шу нарса билан қизиқиб қолди. Аниқланишича, улар ҳам ўз жуфтлари билан бирга яшашаркан.

Гиббонлар (одамсимон маймунлар тури) ва узун думли кичик маймунлар ҳамда чиябўрилар то ўлгунларича бирга яшашга «сўз» беракан-лар. Шунингдек, чўл ўргимчаклари ҳам шундай (бу бир ярим ой давом этади) ваъдалашишади. Шаҳар қалдирғочи ва қизил америка гозлари тузган бахт уйи юз фоизгача бир йил ўтмасданоқ бузилиб кетади. Оққуш-вишиллоқларнинг ўн фоизи, оққуш-бақироқларнинг беш фоизида эр-хотинлик муносабатида бола туғилгач ҳар ким ўз йўлига кетаверар экан.

Агар сизни мана шу каби қизиқ маълумотлар қизиқтирса, «Фюр дихь» деган немис журналини олиб ўқишингиз мумкин.

## ҒАРОЙИБ ШАРШАРА

Ер юзида кўплаб катта ва кичик шаршаралар мавжуд. Уларнинг ичида энг машҳурлари Африкада Виктория, АҚШда Ниагара, минг метр баландликдан тушадиган Венесуэладаги Энжел ҳамда Бразилия ва Парагвай оралиғида жойлашган, секундига ўн кубометр сув отадиган Гуаир шалоласидир. Аммо бу шаршаралар ўзининг куч-қуввати билан Исландия ва Гренландия ўртасида жойлашган Дания бўғозидаги шаршарага етолмайди. У одам кўзидан панада бўлиб, сув остида гиганти бир неча километр баландликдан ҳар лаҳзада 5 миллион кубометр сувни Атлантика океанига отиб туради.

**Тўпловчи МОҲИНУР.**

*Шарқ дурдоналари*

## Ўз-ўз ўрганиб домо бўлур...

● Инсон ўзини бошқалардан ортиқ деб билмаслиги, ўзини ақлли, ўзгаларни ақлсиз деб тасаввур қилмаслиги, ҳар қандай яхши ишни ўзига лойиқ ва ўзгаларга нолойиқ деб ҳисобламаслиги зарур. Бордию юқорида айтилганларга йўл қўйса, демак бу худбинлик бўлади. Худбин одамлар ўз камчиликларини кўрмайдилар, кўрсалар ҳам уни камчилик деб ҳисобламайдилар ёки тан олишни истамайдилар. Бошқаларнинг камчилигини кўриб қолсалар шов-шув кўтаришга уринадилар.

● Худбин одамлар ўзлари сезмаганлари ҳолда бошқаларнинг нафратига йўлиқади ва худбинликнинг оғир зиёнларига дучор бўлишади. Худбинлик вужудига сингиб кетган кишининг қайта тузалиши оғир. Чунки худбин ўз айбини сезмайди, сезса-да, тан олгиси келмайди. Худбин одамга насиҳат қилинсаю насиҳатни қабул қилишга уринмаса, худбинлигини йўқотишга ҳаракат қилмаса, демак ундан узоқ юриш, балки алоқани узиш ва улфатликдан қочиш зарур.

***Хаёлиддин ал-ҲАСАНИЙ.***

● ҲИКМАТ. Ҳар кимсага менсимаслик назари билан қарама, ҳар бир ожиз чумолига ҳақорат кўзи билан боқма. Эҳтимол уларнинг кўринишлари аянчли бўлса-да, вужуди одамийлик хислати билан лиммо-лимдир. Шеър:

*Катта-кичик бу йўлда бир-бирига муҳтождир,*
*Баъзи ўргимчак иши пинҳон тутар одамни!*

● Камтарлик кишини юксакликка кўтаради. Манманлик эса тубанликка етаклайди. Камтар кишини барча ҳурмат қилади, манмандан эса нафратланади.

● ҲИКМАТ. Дили бузуқ ўзгаларнинг покдомон ва иффатли қиз ва жувонларига кўз олайтирувчи нопок кишилар ҳақиқий разил ва ифлос кишилардир. Улар ўз қилмишлари билан гуноҳ ботқоғига ботадилар.

***Муҳаммад Жавҳар ЗОМИНДОР.***

● Афлотун ҳаким айтади:

— Дунёда энг ожиз ва нотавон одам ўз сирини яшира олмаган кишидир. Агар киши ўз сирини ўзи асрай олмаса ҳеч қандай дўст уни асрашга қодир эмас!

● Сўнгги давр олимларидан бўлган бир ҳаким шундай деган эди: «Инсон учун энг қабиҳ ҳисобланган тўртта айб бор. Улардан биринчиси — мансабдорнинг серғазаблиги, иккинчиси — олимнинг ёлғончилиги, учинчиси — давлатманднинг хасислиги, тўртинчиси — хотиннинг фоҳишалиги!»

● Луқмони ҳаким: «Инсон учун энг ёмон айб кишининг ўз айбини кўра билмаслигидир!» — деган эди.

***Абулбаракот ҚОДИРИЙ.***

● Суқрот ҳакимдан: «Айбсиз одам борми?» деб сўрадилар. У: «Одам айбсиз бўлса ўлмас эди!» деб жавоб берди.

● Ибн Ҳатиб айтади:

— Ёлғончиликдан сақланинг, чунки ёлғончилик фитна-фасодга олиб боради. Ростлик йўлини ихтиёр қилинг, барча эзгулика етасиз!

● Бир ҳаким айтади:

— Кимки ёлғончиликка ўрганган бўлса, у бошқаларни ҳам ёлғончи деб гумон қилади.

● Ёлғончилик барча гуноҳларнинг бошидир. Ёлғончи ўз орзусига етишиш учун ёлғондан иборат сўзларни тўқийди, уни рост деб исботлаш учун қасамлар ичади. Қасам билан ёлғонни ёпмоқчи бўлади. Бирор киши унинг ёлғончилигини ошкор қилса уни ўзига душман ҳисоблайди. Натижада икки орада адоват ва жанг содир бўлади. Бу жанг эса кўп кишиларга зарар келтиради.

***«Фавоиҳ ал-Жуласо»дан.***

*Узр сўраб келса душманинг ҳар чоқ,*
*Уйингдан қувлама, ҳушёр бўл бироқ!*
*Хасиснинг понига узатгандан қўл,*
*Филларнинг остида ўлган кўп маъқул!*
*Қўлингни силки—ю, боқма жаҳонга,*
*Қаноат айлагин битта қоқ понга.*

***Низомий ГАНЖАВИЙ.***

● Азизим, ҳар ким қаноат бойлигига эга бўлса, ҳеч кимсага ялинмайди. Ҳар ким ҳирс балосига мубтало бўлса, унинг ҳаёти доимо озор ичидадир.

● Азизим, бахиллик ва ҳасад иллати учун дилингдан асло жой бермагинки, ҳасад давлатинг уйини вайрон қилса, бахиллик иззат чаманини пайҳон қилади. Чунончи, айтадилар:

*Кимки ҳасад ўтин ёқса жаҳонда,*
*Бу ўт унинг ўзин қўймас омонда!*

***Ҳожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.***

● Имконинг кўтаришига қараб сахийлик қил, бировларга тақлид қилган ҳолда сахийлик қилма! Қарз олиб бунинг эвазига қилинган сахийлик қандай сахийлик бўлади, бошқаларнинг молидан олиб, бировларга едиришдан нима фойда?!

● Эй ўғил! Бу дунё корхонасида шундай йўл тутки, кийган кийиминг ва еган овқатинг ҳалолдан бўлсин!

***Абдибек ШЕРОЗИЙ.***

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ** таржималари.

*Бўш вақтингизда*

## БОШҚОТИРМА



**Энига:** 2. Шаҳримиздаги бозорлардан бири. 4. Қадимда Нил дарёсининг остоналари ва ундан жануброқдаги ҳудуд. 8. Ҳукмронлар яшаган жой, арк. 9. Испания футбол жамоаси. 10. Қандолатчилик маҳсулоти. 11. Терак тури. 12. Илмий тадқиқот тушунчаси синоними. 14. Фикрлаш ва тушуниш қобилияти. 15. Жамият, инсоннинг ижодий куч ва қобилиятларининг тарихан тараққиёт даражаси. 18. Ғарбий Африкадаги давлат. 19. Ҳўл мева. 21. Андижон вилоятидаги шаҳар, туман. 25. Фарғона вилоятидаги туман. 27. Ғалва, жанжал. 29. Сўзнинг лексик маъносини билдирувчи асосий қисми. 30. Боқийлик, абадийлик. 32. 1930 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатида тўп сурган уругвайлик ўйинчи. 33. 1903 йилда сув туширилиб, кейинчалик, музейга қўйилган Болтиқ флоти крейсери. 35. Қозоғистоннинг эски пойтахти. 37. Органик бўёқ. 38. Араб алифбосидаги бир ҳарфнинг ўқилиши. 39. Каррали бирликлар номини ясовчи қўшимча. 40. Чет эл фирмаси. 41. Дунай дарёсининг энг йирик чап ирмоғи, дарё.

**Бўйига:** 1. Горизонтнинг тўртта асосий нуқталаридан бири. 2. Футбол бўйича шу йил жаҳон биринчилигида тўп сурган Аргентина ҳужумчиси. 3. Шу йил жаҳон биринчилигида тўп сурган голландиялик ўйинчи. 4. Республикамиздаги футбол жамоаси. 5. Полк ёки бригада бўлинмаси. 6. Белгиланган жойда вақти-вақти билан уюштириладиган товарлар бозори. 7. Пойтахти Бамако бўлган Ғарбий Африка давлати. 11. Сўз туркуми. 13. Марказий Африкадаги давлат. 16. Уйининг одам яшамайдиган ички қисми. 17. Қишда ер суғориш. 20. Трансмиссион мойлардан бири. 22. «Тарихингдир минг асрлар... пинҳон ўзбегим». 23. Уқтириш, йўлланма. 24. Геометрияда икки тартибли ясси эгри чизиқ. 26. Мураккаб гулдошларга мансуб кўп йиллик ўтлар туркуми. 27. Мусиқа товушларини ёзиб олиш учун ўрганиладиган график белгилар тизими. 28. Ғарбий Европадаги давлат. 31. Шарқий Африкадаги давлат. 34. Жисмнинг тортиб ўлчанган оғирлиги. 35. Бухоро вилоятидаги туман, шаҳар. 36. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиль маркаси.

**Тузувчи: Турсунхўжа ЎРИНОВ.**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.



Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-08. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6